

## Ислоннинг нимаси яхши?

18:11 / 24.04.2017 2873

*Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Ислоннинг нимаси яхши?» деб сўради.**

**«Таом бермоғинг ҳамда таниган ва танимаганга салом бермоғинг», дедилар».**

*Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шариф ҳам Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинмоқда. Бир киши Пайғамбаримиздан Ислоннинг энг яхши фазилатлари ҳақида сўради. Ислон ўзи яхши нарса, лекин сўровчи ўша яхши нарсанинг ҳам энг афзали ҳақида сўраган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эса Ислоннинг энг яхши фазилатларидан иккитасини айтиб берганлар. Нима учун айнан шу икки нарсани зикр қилганлари ҳақида гапирадиган бўлсак, уламоларимизнинг айтишларича, бировга яхшилик қилиш асосан икки хил бўлади:

Биринчиси моддий яхшилик бўлиб, унинг энг боши бошқаларни таомлантиришдир.

Иккинчиси баданий яхшилик бўлиб, унинг боши салом беришдир.

Шу билан бирга, савол берилган жой, вақт ва одамларнинг ҳолати ҳам эътиборга олинган. Айниқса, Пайғамбаримиз бошчиликларида саҳобалар янги ҳижрат қилиб келганларида Мадинаи Мунавварада очлик ҳукм сурар эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша вақтда бировга овқат бериш, очнинг қорнини тўйдиришга жуда кўп тарғиб қилганлар. Шунингдек, танигану танимаган одамга салом беришни ҳам лозим санаганлар.